

РБ



НУҚУҚ

2020-Ҳ. 2-АПРЕЛ, №13 (1210)

1 апрелдан назорат кучайтирилди

Жорий йилнинг 1 апрелидан Тошкент шаҳар ИИББ, Миллий гвардия ва СЭНнинг қўшма рейди бошланди.

Махсус рухсатномасиз автомобиль бошқарётганларга жарима солинади, машиналар жарима майдончасига қўйилади.

Хабарингиз бор, 2020 йил 30 март соат 06:00 дан 20 апрель соат 00:01 га қадар вилоятлараро, Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида Давлат хизматлари марказлари томонидан бериладиган махсус рухсатнома (стикер)лар асосида автотранспорт воситалари ҳаракатлинигига рухсат берилди.

Эслатиб ўтамиз, карантин даврида махсус рухсатнома олиш талаб қилинган автомашинада махсус рухсатномасиз кўчада ҳаракатланиш эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш ҳисобланади.

Эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш фуқароларга 4 млн. 460 минг сўмдан 6 млн. 690 минг сўмгача, мансабдор шахсларга эса 6 млн. 690 минг сўмдан 11 млн. 150 минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



ДЕПУТАТ КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИНИ БУЗДИ

2020 йил 28 март куни Қўқон шаҳар, А.Т.Хуқандий мавзесида яшовчи, хусусий корхона раҳбари, Халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгаши депутати Х.Н. Республика Махсус комиссиясининг карантин қоидаларини қўпол равишда бузиб, “Telegram” ижтимоий тармоғида очилган гуруҳлар аъзоларига Қўқон шаҳрида 2 нафар шахсда коронавирус касаллиги аниқланганлиги ва улар карантинга олинганлиги ҳақида жонли тарзда аудио ёзуви орқали ҳақиқатга тўғри келмайдиган уйдирма ва ёлгон маълумотларни тарқатган.

Мазкур ҳолат юзасидан Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан 31 март куни Х.Н.га нисбатан ЖКнинг 244^б-моддаси (Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



Коронавирусга чалинганлар қайси ҳудуддан?



Мамлакатимизда 31 март ҳолатига коронавирус инфекцияси билан хасталанганлар 158 нафарни ташкил этган. Уларга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида, халқаро стандартлар бўйича тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, беморлар билан яқин мулоқот қилган фуқаролар ҳам зудлик билан аниқланиб, улар саломатлиги устидан

14 кунлик стационар карантин кузатуви ҳам ўрнатилган.

Ҳозирда Тошкент шаҳрида юртимиз бўйича энг кўп бемор, яъни Вирусология илмий-текшириш институти клиникасида жами даволанаётган 92 нафар бемордан 7 нафари соғайган бўлса, 1 нафари вафот этган. Ҳудудлар кесими бўйича: Тошкент шаҳридан 73, Бухородан 2, Қашқадарёдан 2, Навоийдан 2, Самарқанддан 7, Сирдарёдан 1 ҳамда Тошкент вилоятидан 5 нафар бемор пойтахтимиздаги ушбу тиббиёт муассасасида даволанмоқда.

Қолган 66 нафар бемор (шундан бир нафари вафот этган) мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги юқумли касалликларга ихтисослашган шифоналарда даволанишмоқда.

Жорий йил 1 апрель ҳолатига Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар сони 173 нафарни ташкил этмоқда. Соғайганлар сони 12 нафарга етди.



БЕШ НАФАР БЕМОРНИНГ АҲВОЛИ ОҒИР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи, Республика бош давлат санитария инспектори **Нурмат Отабеков:**

– Мамлакатимизда коронавирус касаллигига чалинганлар 173 нафарни ташкил этмоқда. Вирусология илмий-текшириш институти клиникасида даволанаётган 93 беморнинг 21 нафариде пневмония белгилари кузатилапти. Мазкур ҳолат реңгионалагик текширув натижасида ҳам тасдиқланган. Беморлар 5 нафарининг ахволи оғир, 3 нафарининг эса ахволи нисбатан оғир, деб баҳоланмоқда. Уларнинг барчаси тегишли даво-

лаш муолажаларини олапти.

Тошкент шаҳридан ташқари Фарғона, Андижон, Наманган, Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида ҳам коронавирус касаллигига чалинган беморлар даволанапти. Ҳар бир вазият бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли ахборотлар келиб тушаяпти ва мутахассисларнинг керакли маслаҳатлари ташкил этилапти.

Ижобий натижалар бор экан, яхшиликка умид қилсак бўлади. Аммо дунё миқёсида касаллик кўрсаткичи тобора ўсиб борапти. Бир кунда дунё бўйича 70 мингдан ортик одам касалликка чалинган. Шундай экан, биз уйда қолишимиз, тиббиёт ходимларининг маслаҳатларига қулоқ тутишимиз керак, вазиятни чигаллаштириб юборишга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ!

УЙДА ҚОЛИШ – ЭНГ САМАРАЛИ ҲИМОЯ

Дарҳақиқат, коронавирусга қарши курашнинг энг самарали чораси – карантин. Албатта, бу осон эмас. Дам олишни соғинганлар икки кундаёқ уйқудан безор бўлади. Болалар ҳам боғчани, ўқини, синфдошларини, ўқитувчисини соғина бошлади. Уч яшар ўғлим дастлабки кунлари ишга кетаётганимни кўриб, боғчага киядиган кийимларини кўтариб чиқиб, йўлга отланган вақтлари ҳам бўлди. Ҳа, уйда ўтиришга кўникиш осон бўлмайди. Аммо... эртага саломат бўлиш учун бутун уйда қолиш керак. Эртага боғчага бориш учун бутун уйда қолиш керак.

Давлат раҳбари 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашни кучайтириш масалала-

рига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна бир қарра халққа мурожаат қилиб, коронавирус менга юкмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, атрофидагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлигини қатта хавфга қўйишини чуқур англаб етиши кераклигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугунги куннинг ҳикмати шундай – уйда қолинг, ўзингиз ва оилангизнинг саломатлигини асранг! Уйда қолиш узала тушиб ётиш дегани эмас. Уйда фойдали ишлар билан банд бўлиш даркор. Кимдир китоб ўқиб, кимдир хунарс ўрганиб, яна кимдир томорқасини обод қилиб вақтини самарали ўтказса, аминимизки, бу синовини

енгиб ўтамиз. Ахир айтишади-ку, ҳамжихат халқ енгилмас деб.

Маълумотларга қараганда, Буюк Британияда коронавирус туфайли китобсеварлар сони ортиб кетибди. «The Guardian»нинг ёзишича, мамлакатда коғоз китоблар савдоси 35 фоиз осган.

Газета шарҳловчилари ушбу ҳолатни одамларда бўш вақт кўпайгани билан изохламоқда. «Waterstones» савдо тармоғи 22 март куни ходимларининг харидорлар кескин кўпайиши сабабли коронавирусга чалиниш хавфи ошиши бўйича шикоятдан кейин китоб дўконларини ёпишга мажбур бўлди. Шунингдек, мазкур савдо тармоғи мутасаддилари ўтган ҳафта онлайн савдо ҳам тўрт баробар ортганини маълум қилди.

Қисқаси, уйда вақтни мазмунли ва энг асосийси фойдали ўтказишнинг йўллари кўп.

Албатта, барчани бир оғриқли савол қийнаши табиий. Коронавирус пайдо бўлганига уч ойдан ошдики, нега ҳалигача вакцина йўқ? Тўғри, ўнлаб мамлакатлар унга вакцина топилиганини эълон қилди. Биринчи бўлиб Франция, ундан кейин Исроил, яқинда ҳатто Россия ҳам рўйхатга қўшилди. Аммо ҳали натижа йўқ.

Демак, аини дамдаги энг самарали ҳимоя – уйда қолиш, ўзимиз ва оиламизнинг саломатлигини сақлашдир.

КАРАНТИН – ЭРКИНЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЭМАС

Коронавирус, яъни янги вабо бугун бутун инсониятга хавф солмоқда. Мамлакатимизда бу хатарни бартараф этиш учун барча чоралар кўрилмақда. Коронавирус аниқланиши билан карантин эълон қилинди. Давлат томонидан кўрилатган чоралар одамларимизнинг касалликни юқтириб олиш эҳтимolini имкон қадар камайтириш, инфекциянинг тарқалишини жиловлашга қаратилган.



Бир нарса аниқки, бу балони даф этиш мақсадида давлат қанча-қанча маблағ ажратгани, қатъий кураш олиб боргани билан одамларимиз шифокорларнинг тавсиясига амал қилмаса, карантин қондаларига риоя этмаса, барча ҳаракатлар беҳуда кетиши тайин. «...Шу боис карантин қондаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш тўғрисида парламентимиз қабул қилган қонунни имзоладим. Ушбу қонунга асосан бундан буён карантин даврида атрофидаги инсонларнинг соғлиги ва ҳаётини хавф остига қўйганлар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилади», – дея таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида.

Эслатиб ўтамиз, Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун маъқулланган эди. Мазкур қонун давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 26 март куни имзоланиб, 27 март куни матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.

Карантин қондаларини бузган шахс 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин

Қонунга кўра санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қондаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Хусусан, санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қондаларини бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг:

- тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш;
- карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ҳамда ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарқ этмаслик;

■ касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ҳамда бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаганлик одамларнинг оммавий касалланиши ёки захарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки захарланишига олиб келса, 5

йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Агар шундай ҳаракатлар одамнинг ўлимига сабаб бўлса 7 йилгача, бир қанча одамларнинг ўлимига сабаб бўлса 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, илгари ушбу муқддатлар 3 йилдан 5 йилгача ҳамда 5 йилдан 8 йилгача бўлган.

Юқумли касаллик ҳақида ёлғон маълумот тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди

Шунингдек, қонунга мувофиқ карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида аҳоли орасида асоссиз ваҳима тарқалишининг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мутасадди идораларнинг нормал фаолият юритиши учун шароит яратиш мақсадида Жиноят кодекси 244^б-модда билан тўлдирилди.

Унга кўра карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 200 бараваригача ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Мазкур маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки ОАВ, шунингдек интернет орқали тарқатиш эса:

- БХМнинг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима;
- 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари;
- 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- 3 йилгача озодликни чеклаш;
- 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тиббий мажбурият чораси қўлланиши мумкин

Булардан ташқари, карантин шароитида тиббий мажбурият чораси қўлланиши мумкин. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тиббий йўсиндаги мажбурият чорасини карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо

бўлиши ва тарқалиши шароитида қўлланиши назарда тутувчи 29^б-модда билан тўлдирилди.

Унга кўра карантин шароитида эпидемияга қарши кураш қондаларини бузган шахсга нисбатан тиббий мажбурият чоралари қўлланиши мумкин.

Тиббий мажбурият чораси 30 суткагача бўлган муқддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланади. Тиббий йўсиндаги мажбурият чораларининг ижроси давлат санитария назорати, ички ишлар ва Миллий гвардия органлари томонидан таъминланади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, амалдаги кодексда санитария ёки эпидемияларга қарши курашиш қондаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан, агар ушбу шахсда касаллик аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарли асослар бўлган тақдирда мажбурий тиббий чоралар қўллаш учун ҳуқуқий асос мавжуд эмас эди.

Ушбу ўзгартиш эса санитария ва эпидемияларга қарши курашиш қондаларини бузган ва айни пайтда касалликнинг янада кенгрок тарқалишига сабабчи бўлиши мумкин бўлган шахсни жамиятдан ажратган ҳолда мажбурий равишда даволаш имкониятини беради.

Шунингдек, мазкур қонун билан ички ишлар ва Миллий гвардия органларига эпидемияларга қарши кураш қондаларини бузган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати берилди.

Бош прокуратура штаби томонидан олиб борилган тадбирлар давомида карантин қондаларига риоя этмаслик ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят иши кўзгатирилган, 17668 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Ҳозир дунёнинг 190 дан ортиқ мамлакатида бўлган каби биз ҳам синовли даврни бошдан кечирмоқдамиз. Бундай вазиятда жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларга ва шифокорларнинг тавсияларига оғинмай амал қилиб, ўзимиз, оиламиз ва халқимиз саломатлигини асрашга ҳисса қўшмоғимиз шарт. Карантин эркинликни чеклаш эмас, халқни асраш чораси эканлигини унутмайлик.

Парда НАРЗИЕВ,

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг «Covid-19» касаллигига чалинишининг олдини олиш мақсадида Тошкент гарнизонидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда қатор чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, барча ҳарбий қисм ва муассасаларнинг назорат ўтказиш пунктларида санитария-карантин тадбирлари кучайтирилиб, ҳарбий хизматчилар ва фуқароларнинг кириб-чиқиши устидан етарли назорат ўрнатилган.

Шифокорлар кириб чиқувчиларнинг ҳароратини ўлчаб махсус текширувдан ўтказаяпти, тиббий воситалар билан таъминланиши қаттиқ назоратта олинган, бу каби воситалари бўлмаган шахсларнинг ҳудудга кириши тақиқланган.

Шунингдек, малакали мутахассислар ҳарбий хизматчиларга коронавирусдан сақланиш борасида тавсиялар бериб, тушунтириш ишлари ўтказмоқда.

Тошкент ҳарбий прокуратураси Муҳофизат вазирлиги санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассислари билан ҳамкорликда ҳарбий қисм ва муассасаларда карантин бўйича тақик ва чекловларга риоя этилишини доимий равишда ўрганоқда. Ошхона, ётоқхона, машғулот хонаси ҳамда бошқа бино ва иншоотларнинг дезинфекция қилиниши, ҳарбий савдо ташкилотлари томонидан зарур товарларнинг етказиб берилиши назорат қилиниб, нарх-наво сунъий оширилишининг олди олинапти.

Гулчеҳраҳон ТУРСУНОВА,

Тошкент ҳарбий прокуратурининг ёрдамчиси

ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

Айни пайтда Тошкент вилоятида санитарияга оид қонун ҳужжатлари ва эпидемияга қарши кураш қоидалари бузилишининг олдини олиш ҳамда қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича вилоят прокуратураси штаби ҳамда туман ва шаҳарларда тузилган гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят прокуратураси штаби ҳудудий гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар тақдим этган маълумотларни жамлаб таҳлил қилмоқда.

Вилоятда коронавирус инфекциясининг олдини олиш режаси тузилиб, юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг инфекция бўлимларида зарур ўринлар ташкил қилинган.

Шунингдек, дори-дармонлар, дезинфекция воситалари захираси тайёрланган.

Бугунги кунда юқумли касалликлар шифохонасида 99 киши, Зангиота туманида 41 киши, Янгийўл туманида 7 киши, Паркент туманида 7 киши ва Пискент туманида 9 киши шифокорлар назоратига олинган.

Чет элдан келган фуқаролар алоҳида 14 кушлик карантинга олинмоқда.

15-25 март кунлари вилоятда 2394 киши (шундан 500 нафари стационар шифохонада ва 2937 нафари уй шароитида) карантин назоратига олинган ва уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилапти.

Ҳозир вилоятдаги 7 та санаторийда 1894 киши карантинга сақланмоқда. Жумладан, «Чотқол» сихатгоҳида 212 та, «Энергетик» сихатгоҳида 251 та, «Лочин» оромгоҳида 522 та, «Назарбек» сихатгоҳида 242 нафар, «Умид гулшани» оромгоҳида 111 нафар, «Хўжакент» оромгоҳида 238 нафар ва «Ёшлик» дам олиш масканида 318 та фуқаро карантинга жойлаштирилди.

15-25 март кунлари вилоятда 13 кишида коронавирус аниқланган бўлиб, улар Республика вирусология илмий текшириш институтида даволанмоқда.

Тошкент туманида иккита (Ғишткўп-

рик ва Навоий), Қибрай туманида битта (С.Нажимов), Чиноз туманида битта (Яллама), Бекобод туманида битта (Ойбек) ва Бекобод шаҳрида иккита (Фарход ва Бекободавто) чегара ҳудудида санитария назорати постлари кучайтирилган тартибда ишламоқда.

Вилоят ҳудудида нарх-наво баркарорлигини таъминлаш юзасидан жами 544 киши расман оғохлантирилди.

Вилоятдаги 7 та санаторийда 1894 киши карантинга сақланмоқда.

Иқтисодий жинойатларга қарши курашиш департаменти ва ДСИ ҳамкорликда деҳқон бозорларида нарх-наво асосиз оширилишининг олдини олиш бўйича кундалик мониторинг олиб борилмоқда. Бугунги кунгача нарх асосиз оширилган 883 та ҳолат аниқланиб, сотувчи ва тadbirkorлар билан тушунтириш олиб борилган.

Бозорлар, савдо мажмуалари ва маҳаллаларда 312 марта оғзаки тadbirkor ўтказилди.

Шунингдек, фуқаролар эпидемияга

қарши курашиш қоидаларини бузаётган ҳолатлар ҳам аниқланган. Масалан, фуқаро М.Т. 22 март кунги Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган Республика вирусология илмий текшириш институтига ўзида «Covid-19» вируси мавжудлигини текшириш мақсадида қон топширган. Аммо у таҳлил натижасини кутмасдан, Қибрай тумани «Ҳайдаробод» МФЙ Рохатбахш кўчаси

34-уйга келиб, бошқа одамлар билан мулоқотда бўлиб, эпидемияга қарши курашиш қоидаларини бузган. Шунинг учун унга нисбатан Қибрай тумани ИИБ томонидан маъмурий иш кўзга тилган.

Аҳоли орасида ваҳима келтириб чиқарувчи, норасмий маълумот тарқатилишининг олдини олиш бўйича тadbirkorлар давом эттирилмоқда.

Арслонбек ТОШПУЛАТОВ,
Тошкент вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

JARAYON

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судида уйга эгаллик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги иш кўрилди. Даъвогар Майрамхон Қорабоевнинг тушунтиришига кўра Қувасой шаҳар «Зийнат» МФЙ А.Азизов кўчаси 217-уйдаги 4-хонадонни жавобгар Валентина Ямалаевадан 1998 йилда 160 минг ёки 170 минг сўмга сотиб олган. Пулни бергану тилхат олмаган.



АСОСЛАНТИРИЛМАГАН ДАЪВО

Ўша йили В.Ямалаева Ўзбекистондан чиқиб кетган. Чамаси олти йиллардаги аёлининг фарзандлари бўлмаган. «Жавобгарнинг касрдалигини тегишли идоралар орқали суриштириб топа олмадим. 1998 йилдан буён онлам билан шу уйда яшаб келаман. Буни МФЙ ходимлари ва кўни-кўшилар тасдиқлайди. Хонадоннинг коммунал тўловларини тўлаб келаяпман» дея даъвосини қаноатлантиришни сўраган М.Қорабоева кейинги суд мажлисига келмади.

Унинг қўшниси Н.Мирзаолимова В.Ямалаевани танигани, у 1998 йилда уйини даъвогарга сотиб кетгани, даъвогар ўша пайтдан буён хонадонда яшаб келаётганини таъкидлади. Гувоҳ М.Отажоновна ҳам шунга ўхшаш тушунтириш берди.

«Зийнат» МФЙнинг далолатномаси, гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланган ҳолда В.Ямалаеванинг яшаш жойи номаълум бўлгани сабабли суд ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўришни лозим топди. Даъво аризасига илова қилинган «Ермулккадастр» давлат корхонаси Қувасой шаҳар филиалининг маълумотномасига кўра ушбу хонадонда В.Ямалаева ГИБ(техник инвентаризация бюроси)дан рўйхатдан ўтган. Лекин кадастр ҳужжатлари мавжуд эмас. Қувасой шаҳар давлат нотариал идораси томонидан 1993 йил 15 январь

кунги тасдиқланган олди-сотди шартномасига биноан аёл хонадонни шахар уй-жойни эксплуатация қилиш участкаси катта муҳандиси Р.Садиқовдан сотиб олган. Суднинг сўрови асосида «Ермулккадастр» корхонаси шахар филиали тақдим қилган маълумотномада ушбу хонадон учун кадастр ҳужжати тайёрланмагани ва ҳеч қандай маълумот йўқлиги, фиғнал номидан «Ҳалоллик ҳамроҳи» адвокатлик бюроси судга тақдим этган хат мавжуд эмаслиги, аслида ушбу тартиб рақами билан бошқа хат рўйхатга олингани маълум қилинган. Хат нусха бўлиб, даъвогар унинг асл нусхасини судга тақдим этмаган. Бундан ташқари, даъвогар судга тақдим қилган «Ермулккадастр» корхонаси шахар филиалининг 2019 йил 18 сентябрь кунги ушбу хонадоннинг нархи тўғрисидаги 1073-маълумотнома ҳам кўчирма нусха бўлиб, диққат билан қаралганда сана ва тартиб рақами бўялгани, сатрлар орасидаги интерваллар бир текис эмаслиги кўзга ташланади. Худди шунингдек, «Зийнат» МФЙ томонидан 2019 йил 26 август кунги тасдиқлангани кўрсатилган далолатнома асл нусхага ўхшаса-да, аслида ундаги бурчак штампи, муҳр ва имзолар сканер қурилмаси орқали кўчирилган ва рангли принтердан чиқарилган кўринадди. Бундан ташқари, имзолар устидан ручка билан чизиб чиқилган.

Суд ҳужжатнинг ёки бошқа ёзма далилнинг кўчирма нусхасига баҳо беришда нусха кўчирилганда унинг аслига нисбатан мазмуни ўзгариб қолмагани, нусха кўчириб қандай техник усулда бажарилганини, кўчирма нусха унинг асли билан бир хиллиги қафолатлангани, кўчирма нусха қандай тарзда сақланганини текширади. Агар ҳужжатнинг асли йўқолган ва судга тақдим этилмаган бўлса, низолашаётган тарафлар тақдим этган кўчирма нусхалар эса бир хил бўлмаган ҳамда бошқа далиллар ёрдамида ҳужжатнинг асл мазмунини аниқлашни иложи бўлмаган тақдирда суд ҳужжатнинг ёки бошқа ёзма далилнинг фақат кўчирма нусхаси билан тасдиқланган ҳолатларни исботланган деб ҳисоблаши мумкин эмас.

Юқоридагиларга кўра суд даъвогар тақдим этган ёзма далилларнинг ҳақиқийлиги шубҳа билдирган ҳолда даъвогарнинг уйга эгаллик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъвосини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Муҳаммадбобур УМАРАЛИЕВ,
Фарғона шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Ҳукумат қарори (192-сон, 30.03.2020 й.) билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

ИНТИЗОМ ВА САБР – ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИ

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси сабабли карантин эълон қилинди. Ушбу жараёнда деҳқон бозорларида, дўконларда озиқ-овқатнинг узлуksиз сотилишини таъминлаш, нарх-наво сунъий ошиб кетишининг олдини олиш, захирада сақланаётган картошка, пиёз, сабзи каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорларга арзон нархда етказиб бериш давом этмоқда. Масалан, Хоразм вилоятида 150 тоннадан ортиқ картошка, 100 тонна пиёз, 80 тонна сабзи, 56 тонна помидор ва бодринг, 87 тонна гўшт, 45 тонна мой, 46 тонна ун арзон нархда сотилди.

Шундай бўлса-да, озиқ-овқатларнинг баҳо-сини сунъий равишда оширган «тадбиркор»лар ҳам учраб турибди. Жумладан, Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари ўтказган профилактик тадбирда ўнга яқин фуқаронинг картошка, пиёз, сабзи, турп ва гўштни ҳеч қандай ҳужжатсиз қиммат нархда сотаётгани аниқланди. Хусусан, Урганч марказий деҳқон бозориди фуқаролар З.Мапарилова 4466 кг., А.Рўзметов 372 кг., У.Қурбонова 215 кг., М.Жонобекова 222 кг. озиқ-овқат маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатсиз сотаётгани аниқланди. Шунингдек, Хонка тумани деҳқон бозориди С.Нурметова давлат рўйхатидан ўтмасдан 412 кг., Хазорасп тумани деҳқон бозориди М.Мадаминов 13500 кг. озиқ-овқатни сотаётгани аниқланди. Уларга департамент ва солиқ бошқармаси ходимлари томонидан қонуний тушунтириш берилиб, ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Хоразм вилоятининг барча ҳудудларида мутасадди ташкилотлар ва тадбиркорлар томонидан коронавирус пандемиясига қарши хайрия акциялари ўтказилмоқда. Масалан, «Хоразм тех» МЧЖнинг Хонка кластер бўлими муҳтож

оилаларга 8200 литр пахта мойи тарқатди.

Шунингдек, Янгибозор туманидаги «Истиклол» ХК чекка қишлоқлардаги маҳаллаларда яшовчи ногиронларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига 1000 та тиббий никобни бепул тарқатди.

Бундан ташқари, Хонка тумани деҳқон бозориди тадбиркор К.Собинова аҳолига 200 кг. картошка тарқатди.

Ўзбекиона ҳамжихатликка асосланган бу каби хайрия тадбирлари давом этмоқда. Шу ўринда ҳар бир юртдошимизни уйда ўтирган ҳолда карантинни беталофат ўтказишда кўмакчи бўлишга, зарур бўлмаса кўчага, бозорга чиқмасликка, мутасадди ташкилотлар тавсия этаётган тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда оилани, жамиятни, ватанини асрашга ўз хиссасини қўшишга чақирамиз!

Интизом ва сабр бор жойда ҳар қандай қийинчиликни, балони енгиш мумкин.

Ғайратжон СУЛТАНОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти
бошқармаси бошлиғи

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Бугун мамлакатимизда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Барча хизмат жойларида санитария-эпидемиология хавфсизлиги чоралари кучайтирилган. Бу жараёнда белгиланган қоидаларга амал қилиниши юзасидан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлиги ва унинг санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассислари билан ҳамкорликда доимий назорат ўрнатилган.

Зангиота туманидаги ҳарбий қисмда ҳам барча хизмат хоналари, ошхона, аскарлар ётоқхонаси, саф майдони ва транспортлар санитария-эпидемиология хавфсизлиги қоидалари асосида ҳозирланган, дезинфекция ишлари ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Тонгда ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисмга кириши олдиндан махсус мослама орқали ҳарорати ўлчаниб, махсус текширувдан ўтказилмоқда, уларга бепул тиббий никоблар тарқатилаяпти.

Ҳарбий хизматчилар учун фаолият юритаётган аутсорсинг хизматининг сифати, озиқ-овқатлар ва таомлар тайёрлаш жараёни ҳам санитария-эпидемиология хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ бўлиши таъминланмоқда.

Ҳарбий қисмдаги дўконда ҳам руҳсат этилган барча товарлар арзон нархларда сотилапти.

Ҳарбий қисмда мутахассислар билан ҳамкорликда коронавирус инфекцияси юқинининг олдини олишда алоҳида эътибор берилган талаблар, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бўйича тушунтиришлар берилиб, санитария-эпидемиология хавфсизлиги қоидалари бўйича эслатмалар тарқатилди.

Ботирбек СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

SEKTOR FAOLIYATI

УСТУВОР МАҚСАД САРИ

Халқ билан мулоқот, айниқса, чекка ва олис ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг муаммоларига ечим топиш, одамларга кўмаклашиш прокурорларнинг қундалик ишига айланди.

Хозир секторлар ишига Тошкент шаҳар прокуратураси органларидан 25 нафар, бошқа мутасадди ташкилотлардан 170 нафар ходим жалб қилинган.

2019 йил ва 2020 йилнинг ўтган даврида секторларда «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» тамойили ўтказилган 990 та сайёр қабулда 6177 та мурожаат тушган ва 4666 таси ижобий ҳал этилган. Масалан, 1-гурӯх ногирони О.А. ва унинг 5 нафар фарзандига Сергели тумани прокурори секториди «Дарёбўйи» МФИда қурилган уйдан уч хонали хонадон ажратилган.

Бу йил секторлар ҳудудидаги ёшлар билан 8 марта учрашув ўтказилиб, уларнинг муаммолари ҳал қилинди. Масалан, Сергели туманидаги 305-мактаб ўқувчиси Ш.Ҳабибуллаевнинг мактаб футбол майдонига чим ётқизишни сўраб қилган мурожаати бўйича мактабга янги футбол майдони қуриб берилди.

Бундан ташқари, пойтахтда истиқомат қилувчи хотин-қизлар билан 11 марта учрашув ўтказилиб, муаммоларини ҳал қилиш чоралари кўрилди. Учрашувларда 237 нафар хотин-қизнинг мурожаатлари қабул қилиниб, уларнинг 180 таси қаноатлантирилди. Масалан, Юнусобод туманидаги учрашувда тўрт аёлга 110 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди, 40 нафар аёл ишга жойлаштирилди, тўрт нафарига даволаниш учун ордер, ўн

нафарига тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланма берилди.

2019 йилнинг декабрь ва 2020 йилнинг январь ойларида масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ажримсиз Тошкент» акцияси ўтказилди. Акция давомида жами 128 та оилани яраштиришга эришилди.

Шунингдек, секторларда янги иш ўрни яратиш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш чоралари кўрилган. Жумладан, 40 та лойиҳа бўйича 840,4 млрд. сўмлик хорижий инвестиция хисобига 245 та иш ўрни яратилди.

«Ажримсиз Тошкент» акцияси давомида 128 та оила яраштирилди.

Масалан, Олмазор туманида «Ardent Foods» ХК ширинликлар ишлаб чиқариш учун 7,5 млн. доллар инвестиция жалб қилиб, 20 та иш ўрни яратган.

Ижтимоий соҳа объектидаги муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, сектор раҳбарлари томонидан тўртта мактаб 4 млрд. 858 млн. сўмлик ҳомийлик ва бюджет маблағи хисобидан таъмирлаб берилган.

Шунингдек, таълим муассасаларининг самарали фаолият кўрсатишини

таъминлаш чоралари кўрилган. Жумладан, Тошкент шаҳар прокуратураси тизимидаги малакали ходимлар 307 та мактабга ҳуқуқий ёрдамчи сифатида бириктирилган.

Ўрганишда мактабларда 651 та мусика асбоби, 3281 та спорт жиҳозига, 158297 та бадий китобга, 480 та тикув машинаси ҳамда 119 та пиширик печига эҳтиёж мавжудлиги аниқланган. Мактабларга ушбу жиҳозларни олиб бериш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақлиф киритилиб, ҳокимнинг 2019 йил 19 сентябрдаги қарори билан 4,2 млрд. сўм пул ажратилган. Шу пулга харид қилинган жиҳозлар икки босқичда мактабларга етказиб берилган.

Шунингдек, мактабларнинг тозаланиши таъминлаш мақсадида 307 нафар банд бўлмаган фуқаро жамоат ишларига жалб қилинган.

Бундан ташқари, ижтимоий соҳа объектидаги муаммоларни аниқлаш, бартараф этиш, кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш мақсадида 11 та мутасадди идоранинг 160 нафар вакилидан иборат 13 та гурӯх тузилган ва 13 та гурӯххона, 85 та шифохона, 74 та поликлиника, 1786 та дорихона фаолияти ўрганилиб, тугурӯх комплексларидаги 80 та, поликлиникалардаги 314 та, шифохоналардаги 361 та, дорихоналардаги 2030 та муаммони бартараф қилишга ёрдам кўрсатилди. Масалан, Тошкент шаҳар 4-болалар юқумли касалликлар шифохонасининг пиёдалар йўлаги таъмирлаб берилган. Дорихоналардан «Mirzoi ota farm» МЧЖга 50 млн. сўм, «Madinaxon plyus Mubihaxon»

МЧЖга 100 млн. сўм ва «Subrojon Ziyonig farm» МЧЖга 300 млн. сўм кредит олишда ёрдам кўрсатилди.

Ўрганишда аниқланган муаммоларни бартараф қилиш ҳақида туман прокурорларига иккита топширик берилган, ёрдам кўрсатиш ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимига ертита хат юборилган. Натияжада Тошкент шаҳар ҳокимининг 1474-қарори билан 7 млрд. сўм пул ажратилиб, 9 турдаги 19 та тиббий анжом ва усқуналар харид қилинган ва 5 та тугурӯх комплексига топирилди. Шу орқали 22500 нафар хотин-қизни бир йил давомида тиббий текширувдан ўтказиб, касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш, 10200 та чала туғилган чақалоқнинг ҳаётини сақлаб қолиш, 5000 га яқин бемор хотин-қизга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилди.

Секторлар фаолиятига ошқоралик бериш мақсадида 3500 марта тарғибот тадбири ўтказилган, шундан телевиденида 220, радиода 525, матбуотда 285 ҳамда интернетда 85 марта чиқиш қилинган.

Шунингдек, сектор раҳбарлари халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига 46 марта ҳисобот беришган.

2020 йилда бу ишларни изчил давом эттириш, секторлар фаолиятини янада кучайтириш орқали чинакам халқ прокуратурасига айланиш прокуратура органлари фаолиятида устувор мақсадларимиздан бири бўлиб қолади.

Ойдин НОРОВА,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ИШГА ТИКЛАШДИ...

КЕЙИН-ЧИ?

Бугунги кунда меҳнат конунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилишни текшириш долзарб муаммо бўлиб қолди. Одатда иш берувчи Меҳнат кодексини менсимайди ва берилган тақдимномаларни бажаришдан бош тортади.

Бошқа ташкилотларни билмадиму, кейинги ўзим ишлаётган «Охангароншифер» акциядорлик жамиятида бу борада йўл қўйилган камчиликлар ҳақида сўзлаб берай. Корхона кейинги ўн йилликда иқтисодий инкирозга учраб, бир маромда ишламайди. Ўртача иш ҳақи жуда паст ва жамоа шартномаси бажарилмайди. Бу ҳақида прокуратура идораларига кўп ёзилди.

Бундан икки йил олдин бош энергетик Д.Холмуродов иш берувчига ёқмай қолгани учун Меҳнат кодексининг 92-моддасига зид равишда уни оддий энергетик лавозимига ўтказиб қўйишди. Ҳолбуки, Д.Холмуродов касабакўм аъзоси эди ва уни ишдан бўшатиш учун касабга уюшмаси кўмитасининг розилигини олиш шарт эди. Ҳуллас, унинг бошқа ишга ўтказиш ҳақида аризаси бўлмаса-да шундай қилишди. Корхона касабга уюшмаси кўмитаси ҳамда Тошкент вилояти касабга уюшмалари бирлашмаси бу борада қонун бузилгани ва уни бартараф этиш ҳамда шу ҳақида чиқарилган буйруқни бекор қилиш бўйича тақдимнома киритди ва бу тақдимномалар жавобсиз қолди.

Ўз навбатида Тошкент вилояти касабга уюшмалари бирлашмаси Д.Холмуродовни ўз вазифасига тиклаш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Охангарон туманларо судига даъво аризаси киритди. Судья ва Охангарон бекор қилиш прокуратурасининг маъсул ходими даъвони қаноатлантирмаклик ҳақида қарор қабул қилди. Шундан сўнг Тошкент вилояти касабга уюшмалари бирлашмаси бу адолатсиз қарорни бекор қилиш ва янгидан ҳал қилув қарори чиқариш учун ФИБ Тошкент вилояти судига кассация шикоятни киритди. Вилоят судидан умид йўқ эди. Негаки, одатда юқори суд органлари ишни чуқур текширишга ҳафсада қилмай кўпинча туман судларининг қарорини ўз кучида қолдиради. Шу боис «Охангароншифер» АЖ касабга уюшмаси кўмитаси Тошкент вилояти прокурори қабулида бўлиб, ҳолатни маълум қилди. Вилоят прокурори ҳар қалай инсонни тушунар экан, кўп ўтмай Бекобод шаҳар прокурори ҳал қилув қарори юзасидан протест киритди. Чунки ишни ФИБ Охангарон туманларо судига ФИБ Бекобод туманларо суди судьяси кўрган эди-да. Ҳуллас, ФИБ Тошкент вилояти судининг кассация ҳайъати Д.Холмуродовни ўз вазифасига тиклаш ва унга 9 миллион сўм маънавий зарар ундириб бериш тўғрисида янги ҳал қилув қарори чиқарди.



Ўша пайтда корхонага янги раҳбар тайинлангани боис қарорни бажариш осон кўчди, маънавий зарарни ундиришда озроқ муаммо чиқди ва Мажбурий ижро бюросининг Охангарон шаҳар бўлими аралашгандан сўнг муаммо ҳал бўлди.

«Охангароншифер» АЖ хўжалик ва ободлаштириш бўлими ишчилари Г.Эркабоева, Н.Фозилова, С.Рискулова корхонада ўртача иш ҳақининг ўта камлиги учун жаҳл устида 2019 йил 28 август куни ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзишди. Бирок иш берувчи Меҳнат кодексининг 99-моддасига зид равишда шу кунгича улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқаради. Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг юқоридаги моддаси талабига кўра икки ҳафталик оғохлантирув муддати тугагачна меҳнат шартномасини бекор қилиши лозим эди. Ходимлар 2019 йил 4 сентябрь куни меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаларини қайтариб олиш тўғрисида ариза ёзишди. Лекин уларнинг аризаси эътиборга олинмади. Корхона касабга уюшмаси кўмитаси мазкур қонунбузилиш юзасидан иш берувчига тақдимнома киритди. Бирок тақдимномага жавоб бўлмагач, кўмита ходимлар Г.Эркабоева, Н.Фозилова, С.Рискулова билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган буйруқни ноқонуний деб топиш ҳақида ФИБ Охангарон туманларо судига даъво аризаси киритди.

Судья О.Баракаев ишни ҳолисона ва ҳаққоний кўриб чиқиб, 2020 йил 17 январь куни ноқонуний буйруқни бекор қилиш лозимлигини айтганда иш берувчининг қонуний вакили корхонага қатта иқтисодий зарар бўлишидан чўчиб қелишув битими тузишни таклиф қилди ва касабга уюшма кўмитаси қелишув битимига кўнрақ ҳал қилув қарори чиқарилди. 2020 йил 27 январь куни «Охангароншифер» АЖ директорининг буйруғи асосида юқоридаги ходимлар ишга тикланди.

Маълумки, 2019 йил мобайнида корхона унинг ижроия органини ишончли бошқарувга олган «Мега Голден Хоуз» МЧЖнинг айби билан бир маромда ишламади. 2019 йил 4 декабрь куни иш берувчи ходимларга мамлакатда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида тоvon пули тўлаш тўғрисида буйруқни имзолади. Айтиш, 223 минг сўм беш кишилик оиланинг бир ойлик тирикчилигига етадими? Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 159-моддасига асосан ходимнинг айбисиз корхона бекор турса ходимга ўртача иш ҳақи тўланиши лозим. Корхона касабга уюшмаси кўмитаси мазкур ноқонуний буйруқни бекор қилиш юзасидан иш берувчига тақдимнома киритди. Тақдимномага жавоб бўлмагач, 2020 йил 3 январь куни Охангарон шаҳар прокуратурасига хат юборилди ва 22 январь куни шаҳар прокурори юқоридаги буйруқни бекор қилиш бўйича протест киритди.

Меҳнат кодексининг 154-моддаси талабига кўра иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар ходимларга қелишилган ҳақни ўз вақтида бериши керак. Шунингдек «Охангароншифер» акциядорлик жамиятининг жамоа шартномасида иш берувчининг ҳисобрақамида пул бўлмаса иш берувчи тижорат банкдан кредит олиб ходимларга иш ҳақини бериши лозимлиги таъкидланган. Меҳнат кодексининг мазкур талаби бажарилмагани туфайли «Охангароншифер» АЖ ишчилари 2019 йилнинг декабрь ва 2020 йилнинг январь охи иш ҳақини олишолмади.

Шу ўринда бир гап. Агар мутасаддилар вазифасини тўлиқ адо этишганда корхона ишчилари иш ҳақини аллақачон олган бўлишарди.

Ҳуқуқий демократик давлатда қонун устувор бўлади. Қонун устуворлиги таъминланмагани оқибатида «Охангароншифер» АЖ каби бир пайтлар гуллаб-яшнаган корхона ночор ахволга тушиб қолгани жуда ачинарлидир. Бундан оддий меҳнаткашлар азият чекади, холос... Бу эса давлатимиз раҳбарининг меннинг халқим эртага эмас, бугун яхши яшати лозим деган одилона кўрсатмасига мутлақо зиддир.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
«Охангароншифер» АЖ касабга уюшмаси кўмитаси раиси

ЕРГА МУНОСАБАТ – ЭЛГА МУНОСАБАТ

Конституциямизда ер умумиллий бойлик сифатида давлат муҳофазасида эканлиги, ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Қолаверса, 2019 йил 17 июнда Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекиди. Қашқадарё вилоятда мазкур фармон қандай ижро этилаётганини билиш мақсадида вилоят прокурори Эркабай Таджиевга мурожаат қилдик.

– Мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш борасида прокуратура органлари томонидан муайян ишлар қилинди. Туманларда сектор раҳбарлари бошчилигида ер хатлови бўйича гуруҳ тузилиб, унга ер ресурслари ва давлат кадастри, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агро-сановат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг вилоят бошқармаси ходимлари, МФЙ раислари, профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари жалб этилди.

Ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасида вилоятдаги 768 та маҳаллада хатлов тўлиқ яқунланди, 7234 ҳолатда 1289,62 гектар ер ноқонуний эгалланиб, 6469 ҳолатда 155,12 гектарга ўзбошимчилик билан турли иншоотлар қуриб олинган, 485 ҳолатда 3527,7 гектар ердан самарасиз фойдаланиб келингани аниқланди.

Ушбу ноқонуний қурилишларни буздирish ҳақида судларга 458 та даъво аризаси киритилган, 50 та объект эса ихтиёрий буздирилган.

– **Эркабай Аминович, бунча кўп қонунбузилишга қандай омиллар сабаб бўлган?**

– Ўрганишларда аниқланишича, биринчидан, сўнгги беш йилда вилоятда аҳоли сони 254500 нафарга ошиб, 2020 йил 1 январда 3281100 нафарга етган, бу даврда 144911 та никоҳ қайд этилган.

Шундай бўлса-да, Чирокчи (аҳолиси 410200 нафар), Камани (270080), Ғузор (203400), Касби (195900), Нишпон (152300) ва Муборак (86500) туманларида охириги беш йилда яқка тартибда уй қуриш учун ер майдони аукционга қўйилмаган.

Иккинчидан, гарчи намунавий лойиҳа асосида уй қуриш учун барча туманларда жами 309,8 гектар ер ажратилган бўлса-да, аҳолининг тураржойга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмаган. Натижада хатлов жараёнида ўзбошимчилик билан эгалланган ерларга 4585 та уй қурилгани, 801 та ҳолатда девор билан ўралиб, пойдевор қўйилгани аниқланган.

– **Ернинг эгаси йўқми, мутасаддилар қайёққа қараган?**

– Бевоқиф шу ҳолага масъул агроинспекция, ер ресурслари ва давлат кадастри, архитектура ва қурилиш идоралари йиллар давомида тизимли назорат ўрнатмаган, айрим ҳолларда ерни эгаллаб олган ва ноқонуний қурилиш қилганлар билан келишилган. Шу пайтгача ҳокимлар қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга масъул шахс ҳисобланарди. Аммо айрим туманларда ерларнинг талон-торож қилинишига кўпинча ҳокимлар сабабчи бўлган. Улар ўзбошимчилик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисида судларга

даъво аризаси киритмаган.

Маҳаллий ҳокимликлар захирадаги ерни ўз вақтида тарқатиш чорасини кўрмагани ҳам ўзбошимчиликка сабаб бўлган.

– **Ердан оқилона фойдаланиш борасида қандай чора қўллаяпсизлар?**

– 2020 йил бошида вилоят бўйича 25887 гектар ер захирада турган бўлса, шундан 21889 гектари фойдаланишга яроқсиз, 3998 гектари суви ерлардир. Шу боис сайёр қабулларда ер олмақчи бўлган фуқароларга захирадаги ерлар, улардан фойдаланиш тартиби ҳақида маълумот берилмоқда. Масалан, вилоят бўйича захирада турган 6986 гектар ер тўғрисида «Қашқадарё» газетасининг 2020 йил 14 февраль сонидан эълон берилди. Ҳозиргача 11543 гектар (8804 гектар лалми ва 2739 гектар суви) ер жисмоний ва юридик шахсларга ажратиб берилди. Захирадаги 14344 гектар (13085 гектар лалми ва 1258 гектар суви) ерни тарқатиш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Ҳар бир ёшга бир гектар» акцияси ташкил этилиб, шу қулагача 607 нафар ёшга 583 гектар ер ажратиб берилди.

Хатлов натижасига кўра 204,7 гектар ердаги ноқонуний қурилишларни буздирish тўғрисида судларга 2111 та даъво аризаси киритилди, ўзбошимчилик билан эгалланган 163,89 гектар ер захирага қайтарилди, 28,087 гектар ердаги ноқонуний қурилиш буздирилди. Айни пайтда бу ишлар давом эттирилмоқда.

Судларга юборилган айрим даъво аризалари кўрмасдан қолдирилган ёки асоссиз равишда тугатилган бўлиб, мазкур масала сектор раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди ва судларга кўрсатма берилди. Шунингдек, даъво аризаси тайёрлашда ҳокимликларга ёр-

дам кўрсатилаяпти.

Назорат тадбирларида қишлоқ ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини қоплашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

– **Хатлов даврида ерни сотиш фактлари ҳам аниқландими?**

– Фермерлар орасида ернинг умрини беҳуда ўтказиб қўйилган, ҳатто уни сотиб юбориб қўйилган ҳам учрамоқда. Қарши туманидаги «Руслан» фермер хўжалиги раиси Р.Эштуртаев бунга мисол. У таниши Й.Жўраев билан жинорий тил бириктириб, фермер хўжалигининг 1,34 гектар суғориладиган ерини 20 кишига 75 миллион сўмга сотиб юборган, Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши кўзга тилиб, фермерга базавий ҳисоблаш миқдорининг 80 баравари миқдоридан жарима солинди. Й.Жўраевга эса 2 йил 3 ой ахлоқ тазатиш иши жазоси тайинланди.

Умуман, ўрганишлар давомида 112 киши интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, тўртта жиноят иши кўзга тилинган. Хизмат вазифасини лозим даражада бажармаган 13 та туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими раҳбарига интизомий жазо қўлланди. 7 та туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими раҳбари ротация қилинди, тизимда ишловчи ўн нафар ходим лавозимдан бўшатилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин, прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат янада кучайтирилиб, бу йўналишда аниқланган ҳар бир қонунбузилишга қарши қатъий чора кўриб борилади, ишари бартараф этиши ва олдини олишнинг барча имкониятларидан фойдаланилади.

Норбўта ҒОЗИЕВ
сўхбатлашди

ЎЗЛАШТИРИШГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Хоразм вилояти прокуратураси органлари томонидан вилоятда ердан оқилона фойдаланишни таъминлаш ҳамда уни ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда ишчи гуруҳлар тузилиб, ерга оид қонунлар ижроси ўрганилди.

Олиб борилган хатлов натижасига кўра вилоятда 5241 та ҳолатда 334,51 гектар ерда ноқонуний қурилиш қилингани ва 1838 та ҳолатда 101,32 гектар ер ўзбошимчилик билан эгаллангани аниқланди. Жумладан, 3415 та ҳолатда 209,38 гектар ерда қурилиш битказилган, 1220 та ҳолатда 82,21 гектар ерда қурилиш битказилмаган, 576 та ҳолатда 41,92 гектар ерда пойдевор қўйилган.

Ерни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ва ноқонуний қурилишларни бартараф қилиш юзасидан 1893 ҳолатда судларга даъво аризаси киритилди. Ушбу даъволар бўйича қабул қилинган 1489 та қарорнинг қонунлиги прокуратура томонидан ўрганилаётган, 404 та даъво аризаси судларда кўрилмоқда.

Шунингдек, олиб борилган тарғибот натижасида фуқаролар ўзбошимчилик билан эгалланган 101,32 гектар ерни ихтиёрий равишда фермер ва деҳқон хўжалиқларига ҳамда туман ҳокимлиги захирасига қайтарган. Шу билан бирга, 3348 та ноқонуний қурилгани бузган.

Ҳокимликлар захирасидаги 8097 гектар ердан 2835 гектари олдиндан эълон қилинган танлов асосида фермер хўжалиқларига тарқатилди, қолган 5262 гектар ердан 4411 гектари 157 та лойиҳа асосида танловга қўйилган, 851 гектар медиоратив ҳолати ёмон ерни қорвачилик, куёнчилик, асаларчилик йўналишида талабгорларга танлов асосида бериш учун лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ҳазорасп туманида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги 461-қарори ижроси ўрганилганда туман Давлат хизматлари марказига 10521 та мурожаат келиб тушгани, шундан 7824 таси қаноатлантирилгани, 2129 таси рад қилингани, 568 таси ўрганилаётгани

аниқланди.

Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асослиги ўрганилганда 1280 та ҳолатда рад қилинган мурожаатлар фуқароларнинг тақририй мурожаати асосида қаноатлантирилгани, шундан 98 та ҳолатда фуқароларнинг мурожаати бўлмаса-да, 10 та ҳолатда эса мурожаат рад қилинган бўлса-да, ижобий ҳал қилингани маълум бўлди. Яъни далолатномаларни сохталаштириш йўли билан эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи қарорлар

Захирага олинган 8097 гектар ердан 2835 гектари фермер хўжалиқларига тарқатилди.

чиқарилиб, 108 та ҳолатда 5 гектар ер фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллангани сабаб бўлган.

Юқоридаги ҳолат юзасидан Ҳазорасп тумани мансабдорларига нисбатан жиноят иши кўзга тилинган.

Назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш ҳақида жойларга 6 та тақдиминоа киритилиб, мансабдорларнинг қонунга зид 105 та ҳужжатига протест келтирил-

ди, 700 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймастик хусусида огоҳлантирилди, 23 нафари маъмурий, 6 нафари интизомий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, 2020 йилнинг ўтган даврида ерни талон-торож қилиш билан боғлиқ 32 та жиноят иши кўзга тилинган.

Бундан ташқари, вилоят сектор раҳбарларининг 2020 йил 20 февралдаги қўшма фармойиши билан вилоят прокуратураси, МИБ, департамент, ИИБ, ДСБ, вилоят ер ресурслари, агроинспекция бошқармаси, Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари иштирокида тезкор маълумот алмашиш мақсадида ҳар бир шаҳар ва туманда «Телеграм» канали ташкил қилинди. Бу эса юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Вилоятда ердан оқилона фойдаланишни таъминлаш ҳамда уни ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш борасида ишлар давом эттирилмоқда.

Ҳамидбек ЯВБАСАРОВ,
Хоразм вилояти прокурорининг ўринбосари



ТОҒАМНИНГ МАНСАБИГА КЎЗ ТЕГМАСИН...

Қишлоғимизда туғилиб ўсган, айна вақтда вилоятдаги нуфузли ташкилотлардан бирига раҳбарлик қилаётган устозни мен ҳам ҳурмат қиламан. Айнан қишлоғимиздан бўлгани учун эмас, ўзини тутиши, ҳар бир масалага жиддий эътибор қаратиши, теран фикрлаши-ю дунёқараши кенглиги учун. Тумандошларимизнинг кўпчилиги у кишининг ёрдами, маслаҳати билан жамиятда ўз ўрнини топган. Кўпчилик у кишини устоз дейишининг сабаби ҳам шунда. Аммо...

Яқиндагина устознинг айрим хусусиятларини кўриб, шундай инсон билан бир жамиятда яшаётганимдан, таниш эканлигимдан афсусланиб кетдим. Бошқаларни билмадим, аммо мен ҳеч қачон бировни орқа қилиб ишмни бажармайман. Ўз билимим, савиям билан жамиятда, касбдошларим орасида ўрнимни топишга ҳаракат қиламан. Касбимда, оиламда, ҳаётимда муаммоларим бўлганидек, «хизмат бўлса айтнинг» дейдиган таниш-билишларим ҳам етарли. Фақат айтишни ўзимга эп кўрмайман. Ёнимга кимнидир орқа қилиб келувчилар ҳам ҳурматимга лойиқ бўлмайди...

Хуллас, устознинг бир жияни бор. Институтни-ку битирган. Лекин етарлича билим олмаган. Бир-икки марта ҳамсухбат бўлганман. Фикрлаши, олдий ҳаётгий тушунчаси ҳам ҳаминқадар. Шу пайтгача жияни савдо-сотик қилиб юрарди. Бир куни туманимиздаги номи улуг ташкилотларнинг бирида ишлаётганини кўриб ҳайрон қолдим. Эгнндаги костюм-шимни биринчидан кўриб, кўзлари чакнаб кетди. Югуриб ёнимга келаркан, салом-алиқни ҳам насия қилиб, «Ариза билан шикоятнинг қандай фарқи бор, опа? Шу саволга жа-

воб беролмадим. Ишга кирганимга олти ой бўлди. Худди мен ҳамма нарсани биладигандек, турли хил савол беради. Ҳали энди компьютерни ўрганаётган бўлсам. Қарор фармонни сўрайди-ми-ей» деганидан билдимки, унинг фаолиятини ўрганишга келишган. Қаранг, ишлаётганига олти ой бўлибди-ю, ариза билан шикоятнинг, қарор билан фармоннинг фарқини тушуниб олмабди. Унга билганимча тушунтирдим. Назаримда, гап-лашимни диққат билан тинглади-ю, аммо ҳеч нарсани тушунмади. Ўйлашга ҳаракат қилманг, сабаби жуда оддий. Унинг луғатида ариза, шикоят, қарор, фармон ва шунга ўхшаш сўзлар шу пайтгача бўлмаган. «Ҳасадчи экансан, битта жияни ишласа ишлабди-да, сенга нима?» дерсиз. Менгайм ким қасрда ишлашининг аҳамияти қатта эмас. Фақат ўша жиянинг ёнида ишлаётган, унинг вази-фасини ҳам зиммасига олиб, қатта масъулият билан қуру тун меҳнат қилаётган икки-уч ходимни ўйлаяман-да...

Ўзи айтганидек, олти ой якуни бўйича синовдан ўтолмаган жияни энди ишласа керак, аллақачон ишдан бўшатилгандир деб ўйлагандим. Афсус, чучварани хом санаган эканман. Ўзининг тили билан айтганда, тўққиз ойлик якунида жиянга савол беришга, уни

имтиҳон қилишга ҳеч кимнинг юраги дов бермабди.

– Хафа бўлмагини, оддийгина ариза билан шикоятнинг фарқи бормайсан. Бундай нуфузли жойда ишлашинг бироз нотўғри дейман-да. Бу жойда ишлаш ўзига яраша билим, савия, дунёқараш талаб қилади. Сен эса бу дунёқарашинг билан ҳеч кимга йўл-йўриқ беролмайсан-ху, – дедим суҳбатларнинг бирида.

– Э, опа. Нимасини ўйлайсиз? «Юкори»да тоғам бўлса, менга не ғам. Ўтган гал келганлар менинг кимлигимни, кимнинг жияни эканлигини билмасдан алланамаларни сўради-да. Ўша сўраганлар ҳозир соямга салом бераёпти. Тоғамнинг мансаби бор экан, ҳеч нарсани ўйламайман. Билим, тажриба нимага керак? Бирозгина «олди-берди», «салом-алиқни билсам бўлди-да. Опа, келадиган текширувчиларнинг ҳам томоғи бор. Сиз озгина маош билан оила бокса бўлади деб ўйлайсиз. Аслида ундай эмас. Ўтган кунги текширувчиларга яхшига «йўталгандим», билганимга ҳам эътироз қилмасдан индамай кетишди. Ҳозир билимингиз бўлмаса ҳам, «зарингиз бўлса бўлди. Ҳамма ишингиз «беш» бўлиб кетаверади. Мана сиз ҳамма нарсани биласиз. Қаллангизда билим дегани гиж-гиж. Тажрибангиз ҳам етарли. Ҳар қандай масалага ечим топиб жавоб бероласиз. Аммо ҳеч вақонгиз йўқ. Давлат берадиган арзимас ойлик билан умрингиз ўтиб кетаяпти. Опа, бу ўткинчи дунёда яшашни ўрганинг. Мана менинг ҳамма нарсам бор. Яқинда миниб юрган машинамни янги сизга алмаштираман. Шаҳарнинг қоқ марказидан иккита уй олдим. Тадбиркорлик қилиш учун тайёр бўлган, ҳатто дарахтлари ҳам ҳосилга кириб

бўлган иккита иссиқхонанинг қарорини чиқартириб олдим. Бу ёғи маза. Пулнинг ўзи оқиб келаверади.

– Нима, тайёр иссиқхона? Қандай қилиб? Ҳосилга киргунича кимдир қуру тун меҳнат қилиб, энди роҳатини кўраман деб турган иссиқхонани ўзлаштириб олишни қандай тушуниш мумкин? – дедим ажабланиб.

– Қанақа одамсиз-ей, сизни ким айтди олий маълумотли журналист деб? Ҳаётда ҳамма нарсанинг иложи бор. Беш йил олдин давлатнинг ерига иссиқхона қилиш учун қарор чиқартириб олганларнинг қарорини бекор қилдириш унчалик муаммо бўлмади. Оддий кишлоқ одамларини арзиман пул билан рози қилдик. Биттаси тихирлик қилиб қўнмаяпти. Идорам-идора чошиб юрбди. Аммо қўлидан ҳеч нарса келмайди. Ўртада тоғам турибди. У кишига ҳеч ким қарши боролмайди.

Беҳижолағ сўзлаётган жиянинг кўзларига боқдим. Наҳотки инсонлар шу даражада тубанлашиб кетган бўлса? Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат қасрда қолди? Кўп эмас, бирозгина мулоҳаза қилсангиз, бир-иккита давлат идораларига борсангиз, атрофимизда бундай тоға-жияларнинг кўпчилигига гувоҳ бўласиз.

...Нима ҳам дердим? Қишлоғимиз кўрки бўлган устозга, жиянинг тоғасига, ана шундай «бакувват» тоғанинг жиянига инсоф сўрайман. Балки бирор йилда жияни ҳам масъулиятни хис қилиб, ариза билан шикоятнинг фарқини билиб олар.

Нигина ШОЕВА,
журналист

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил чоратadbирлар амалга оширилаётганига қарамай, афсуски, ҳали коррупция иллатига батамом чек қўйилган эмас.

2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда унга «коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш» деб таъриф берилган. Масалан, фуқаро Ихтиёр Ботирқулов Бухоро вилояти 19-беш тиббий меҳнат экспертиза комиссияси эксперт-физикатри Ҳамза Остонов билан жиноий тил бириктираётганда бу ҳаракати жиноят эканини билмасди деб бўлмади.

КОРРУПЦИЯНИНГ ДАВОСИ – «ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ»

У фуқаро О.Муҳаммадиевни алдаб, ишончини сунистеъмом қилди. Унга 2-гурӯх ногиронлигига чиқишда ёрдам кўрсатиш эвазига 700000 сўм пора сўрайди. 2019 йил 8 август куни соат 11 га яқин Бухоро шаҳар 4-поликлиникаси олдида 700000 сўм пулни олиб, 400000 сўмини ўзига олиб қолиб, 300000 сўмини Ҳ.Остоновнинг хизмат хонасига кiritиб берган вақтида ушланди.

Коррупция нафақат тиббиёт, балки бошқа соҳаларда ҳам кенг тарқалган. «Ермулқакдастр» давлат корхонаси Бухоро шаҳар филиалининг мутахассиси Худойберди Икромов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаро Ҳ.Шароповни шаҳар ар-

хитектура бўлимида юқори лавозимларда ишловчи танишлари орқали ер участкаси учун ҳокимнинг қарорини чиқариб бериш эвазига 1000 АҚШ доллари миқдоридан пора беришга ундаганида бел оғритмай пул топишни ўйлагани аниқ. Аммо хато қилганини кеч тушунди. Х.Икромов қилмиши учун суд олдида жавоб берди. У икки йилга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, ойлик маошининг 20 фоизини давлат даромадига ўтказиш шarti билан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди. Энди гап Х.Икромовнинг бу хатодан сабоқ чиқаришида!

Қонунга кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид мурожаатлари тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилади. Коррупция ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳимоя қилиниши таъминланади.

Давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириб мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт. Ушбу мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаслиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатида коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этилишини таъкидлагани бежиз эмас.

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда капитал курилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳа бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эриша олмаيمиз».

2019 йилда департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан коррупцияга қарши 76 та жиноят иши кўзгатилиб, қонун устуворлиги таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда бўлсақ, порахўрлик, коррупциянинг давоси «ҳалоллик вакцинаси»дир. Бунинг учун ҳар бир инсонда биринчи навбатда маънавий иммунитет, қолаверса, ҳуқуқий маданият бўлиши шарт!

Содиқ АЧИЛОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари



COVID-19 СОЯСИДАГИ ФИРИБГАРЛИКЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гурӯх (ФАТФ) ва Интерпол COVID-19 пандемияси туфайли юз (жарроҳлик) ниқоблари ва бошқа тиббий буюмларга талаб ошганлигидан фойдаланиб, уларнинг савдоси тўғрисида ёлғон маълумот бериш орқали фибрибгарлик жиноятлари содир этиш эҳтимоли ошганлиги тўғрисида хабар берган.

Хабарда, ҳозирги соғлиқни сақлаш соҳасидаги инкироз даврида жамоатчилик дори-дармонларни онлайн тарзда сотиб олишда эҳтиёт бўлишлари, акс ҳолда, улар жиноятчиларнинг бир қатор молиявий фибрибгарликларни амалга ошириш учун имкон яратишлари мумкинлиги таъкидланган.

Фибрибгарлар жиноий ниятларини амалга ошириш мақсадида тиббиёт маҳсулотларини сотишни даъво қилган ҳолда сохта онлайн-дўконлар, веб-сайтлар, ижтимоий

тармоқлардаги аккаунтлар ва электрон почта манзилларидан фойдаланмоқдалар.

Мазкур фибрибгарлик ҳаракатларининг асосий қурбонлари Осиёда жойлашган бўлиб, жиноятчилар ўзларини ушбу соҳада ишончли экспортёрлар сифатида кўрсатиш мақсадида бошқа минтақаларда, хусусан Европада рўйхатдан ўтган банк ҳисоб рақамларидан фойдаланмоқдалар.

Хурматли фуқаролар, хориж компанияларидан дори-дармонлар ёки тиббиёт буюмларини

онлайн харид қилмоқчи бўлсангиз, пул маблағларини ўтказишга ишонилмасдан, куйидаги тавсияларга амал қилишингизни сўраймиз:

– онлайн харидларни амалга ошириш хизматини таклиф этган компаниялар фаолиятига билдирилган шарҳлар билан танишиш (бошқа мижозлар сотиб олган товарларни олмаганликлари ҳақидаги шикоятлар мавжудми ёки йўқми);

– компания жойлашган мамлакатда эмас, балки бошқа мамлакатда очилган банк ҳисоб

рақамига тўловни амалга оширишни сўраса, харидни амалга оширмаслик;

– номаълум юбурвчидан келган ёки Сиз кутмаган ҳавола ёки иловаларни очмаслик;

– тиббиёт асбоб-ускуналарни таклиф қилувчи ёки тиббиёт кўрикдан ўтказиш учун шахсий маълумотларингизни та-

лаб қиладиган электрон почта хабарларига маълумот тақдим этмаслик.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фибрибгарлик қурбони бўлмаслик учун огоҳ бўлишни сўрайди.





ОДАМФУРУШ БАДБАХТЛАР

Элдорнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) боши осмонда эди. Чақалоққа туғилганлик гувоҳномасини расмийлаштирди. Рафиқаси ва ўғилчасини олгани туғруқхонага келди. Врач-гинеколог Мухаррамхон учради. «Акам уйланганига етти йил бўлди. Фарзанд кўришгани йўқ. Оиласи билан бола асраб олишмоқчи эди», – деди. Мухаррамхон гўдаклар уйдан бола асраб олишнинг йўл-йўриғини тушунтирса бўларди. Ундай қилмади. «Боласидан воз кечадиганлар бўлиб қолиши мумкин, бўлса хабарлашамиз», – деди.

Карийб чорак асрдан буён Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмасида ишлаб келган, пенсияга чиқиб арафасидаги гинеколог Сожидаҳон илгари уч марта сулланган, аммо бундан хулоса чиқармаган экан. Нотаниш йигит бир аёл хомилдор бўлиб қолгани, турмуш ўртоғи йўқлиги, хомиласини тушириш кераклигини айтади. Бир неча кун ўтиб аёлни ўзи унга учрайди. УТТ аппаратига тушиб келганида хомиласи етти ойлик экани маълум бўлади. «Хомила катта бўлиб қолибди», – дейди Сожидаҳон. Ёш аёл кизариб-бўзарди.

– Эримдан ажраганман, иккита ёш болам бор. Эрсиз туғибди деган иснодга қоламан. Бир иложини қилинг.

– Аборт қилиб бўлмайди, – дейди Сожидаҳон. – Соғлигингизга зиён. Икки ой ўтиб туғасиз. Чақалоқни биронта зорикқан оилага бериб юборишингиз мумкин.

Орадан икки ойча ўтгач Сожидаҳон ҳаммаси акушер-гинеколог Мухаррамхон билан гаплашиб турганида Ойжамол кириб келади. Сожидаҳон Мухаррамхонга «Бу хотинга бола керак эмас экан, зорикқан оилага бериб юборса бўлади» дейди. Мухаррамхон Элдорни эслайди. «Бор шунақа оила, болани олишлари мумкин». Учаласи маслаҳатлашади. Туғилажак болани бир буюм каби сотишга келишиб олишади.

Мухаррамхон Элдор билан гаплашди. Унинг акиси 1000 АҚШ долларига болани асраб олишга жон деб бўлади. Мухаррамхондан ўша аёл билан учраштириб қўйишини сўрайди. Элбек ва кекса онаси Учкўприк тумани марказидаги ошхонада врач-гинеколог Сожидаҳон ва хомилдор Ойжамол билан кўришишади. Элбек чақалоқни 1000 долларга сотиб олишдан ташқари туғруқ харажатларини тўлашга ҳам рози бўлади. Эртаси кун Мухаррамхон оркали Сожидаҳонга 200 минг сўм бериб қўяди. Унинг ўзинга эса 100 доллар беради.

Ой-кун яқинлашган Ойжамолни таниш аёл шифохонанинг туғруқхонасига олиб келади. Икки соат ўтиб кизалок туғилади. Ўша кун врач-гинеколог Мухаррамхоннинг ўзи навбатчи эди. Ҳозир у назир бўлган Сожидаҳон

қўнғирок қилиб Элбекни чақиради. У дори-дармонларни олиб беради. Ойжамол туғруқхонада ётишни истамайди, «онам вафот этган, кетаман» дея оёғини тираб олади. Бир неча кун ўтгач, чақалоқни Элбек олиб кетади. Сожидаҳон ва Мухаррамхон боланинг онасига келишилган пулни беришни талаб қилишганида Элбек туғилганлик гувоҳномасига Ойжамолнинг фамилияси ёзилибди, болани номимга хужжатлаштириб олганидан кейин бераман дея ортга сурди.

Сожидаҳон меҳнат таътилига чиқиб Фарғона туманидаги «Чимён» сихатгоҳига йўл олади. Ўша ерда ётиб ҳам Мухаррамхонга «суюнчи пули»ни сўраб олишни тайинлайди. Орадан бир хафтача ўтиб Элбек Мухаррамхонга қўнғирок қилади. Улар туман марказидаги почта идораси ёнида кўришишади. Элбек врач-гинекологга 1000 долларни берган чоғида одам савдоси жиноятига қўл урган нобарқорлар ИИБ ходимлари томонидан ушланади. Мухаррамхон пулни Сожидаҳонга бериши лозимлигини айтиб ўз ихтиёри билан тadbир давомида қатнашади. Жинойи шеригига қўнғирок қилади. Фарғона шаҳрида у билан қўришиб пулни беради. Сожидаҳон 900 долларни олиб 100 долларни унга қайтариб берганида қўлга олинади. Сожидаҳон пулни Ойжамолга бериб қўйиш учун олганини айтиб, унга қўнғирок қилади. Туман марказида қора рангли «Спарк» машинасида Ойжамол 900 долларни олиб, хизмат ҳақингиз дея 100 долларни Сожидаҳонга қайтариб берган пайтида хибсга олинади.

Янги туғилган чақалоқини сотган О.Эшонтўраева, олди-бердида воситачилик қилган врач-гинекологлар С.Махмуджўраева ва М.Топалиева, чақалоқни сотиб олган ака-ука Суюнбоевларнинг жиноят иши судда кўрилди. Одам савдоси жиноятига қўл урган кимсаларнинг айби ўз икrorлиги ва далиллар билан исботланди. Судланувчиларга қилмишига мувофиқ жазо тайинланди. Қизалок гўдаклар уйига топширилди.

Ойгул САИДОВА,
Учкўприк тумани прокурорининг
катта ёрдамчиси

УНАШТИРИЛГАН ҚИЗ ФОРЖИАСИ

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг биридаги хонадонда йигирма ёшли қизнинг жасади қотиллик аломатлари билан топилди. Маълум бўлишича, қиз ўтган йилнинг февраль ойида олий ўқув юртига кириш имтиҳонларига тайёрланиш баҳонасида шаҳарга келган ва шу ердаги хонадонда бир ўзи ижарада яшаб, кафедра официант бўлиб ишлаган.

Марҳумнинг онаси Нодира Козимованинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) таъкидлашича, қизи Ўлмасой Абдуллаева 2019 йилнинг 12 июнь кун Бобўт туманидаги уйига онасидан хабар олгани келади ва эртаси кун ижарада яшайдиган уйига қайтиб кетади. Н.Козимова 14-15 июнь кунлари кечкурун қизига қўнғирок қилади, лекин телефони ўчирилган эди. Шундан сўнг эртасига она қизи ижарада яшаётган уйга бориб, эшикни тақиллатади, ҳеч ким овоз бермайди. Қизини бирор жойга чиқиб кетган бўлса керак деган хаёлга борган Н.Козимова уни бир неча соат кутиб ўтиради. Аммо дарак бўлмагач, Бобўтга қайтиб кетади. Шу тариқа она яна кетма-кет икки кун Ў.Абдуллаеванинг ижара уйи эшигига келиб куннинг ярмини қизини кутиб билан ўтказади. Юраги безовталанган она ортиқ чидолмай, уйнинг эгасини чақиртиради ва эшикни очиб беришни айтади. Бахтга қарши уни эгасида ҳам қалит йўқ экан. Шундан сўнг улар фавқуллода вазиятлар идорасига қўнғирок қилиб, эшикни бузиб очиб беришларини сўрашади. Эшик бузиб очилганда эса ичкаридан Ўлмасойнинг жонсиз танаси топилди.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Сирдарё филиали Ў.Абдуллаеванинг ўлими бўйиннинг сиртмоқ ва қўл билан бўғилиши оқибатида содир бўлгани ҳақида хулоса берди. Демак, қиз қасддан ўлдирилган...

Қотиллик содир бўлган жойдан олинган ашёвий далиллар ва бармоқ излари бўйича икки киши гумонланувчига айланди. Уларнинг бири Ўлмасойнинг унаштирилган қайлиги, йигирма олти яшар Аҳрор Ибодуллаев бўлса, иккинчиси у билан Гулистон шаҳрида танишган Ботир Холиқов эди. Ўлмасойга ўз қайлигини кўра оилани бўлса-да Б.Холиқов яқинрок эди. У қиз шаҳарга келганидан буён ишга жойлашишида ва моддий томондан ёрдам бериб тургани боис Ўлмасойнинг ишончига кирганди. Ҳатто уйнинг ижара ҳақини ҳам икки ой давомида Ботир тўлаганди. Албатта, бу бежиз эмас, гоҳида бўлиб турадиган ишқий муносабатлар эвазига эди.

Ў.Абдуллаева қайлиги А.Ибодуллаев билан шу уйда танишганди. Аҳрор мардикорлик қилиб кунини ўтказарди. У илгари бир неча марта сулланган эди. Қиз ижарада турган уйнинг ташқи томонини бўяб беришни зиммасига олган ташкилот Аҳрорни ҳақ эвазига бу ишга ёрдамчи сифатида ёллади. Усталарга шу уйда яшайдиган фуқаролар навбати билан тушлик тайёрлаб беришади. Навбати келганда Ўлмасой ҳам усталарга овқат қилиб беради. Шу жараёнда қиз Аҳрор билан гапи-ташига қовушиб, яқин бўлиб

қолади. Қизнинг меҳрини қозониш учун йигит ижара уйдаги кичик таъмирлаш ишларини раҳматга қилиб бераверарди. Шу аснода йигит қизни ёқтириб қолади. Қиз ҳам унга рўйхушлик беради. Йигит қизга совчи қўяди ва икки томоннинг розилиги билан улар 2019 йилнинг март ойида унаштириб қўйилади. Аммо тўй кун белгиланмайди.

Тергов жараёнида маълум бўлишича, гумондорлардан бири Б.Холиқов қотиллик содир қилган кун билан бўлган. Қолаверса, ашёвий далиллар иккинчи гумондор бу воқеага кўпроқ алоқадорлигига ишора қиларди. Шунинг учун ҳам дарҳол А.Ибодуллаев қидирила бошланди. Орадан икки кун ўтиб, у қўлга олинди. Аҳрор тергов жараёнида бу қотилликни содир қилганига икror бўлди.

Маълум бўлишича, йигит ва қиз унаштирилгандан кейин доимий мулоқотда бўлиб туришган. Қизнинг бирида Ў.Абдуллаева унга қўнғирок қилиб, Туркияга кетиш учун ваза қилаётганини, ишлаб пул топиши кераклигини, онасига уй сотиб олиши лозимлигини айтади. Аҳрор эса унга қўшни туманда тўрт хонали квартираси борлигини, агар керак бўлса, ушбу уйни онасининг номига ўтказиб беришни, хорихда ишлашга ҳожат йўқлигини билдиради. Ў.Абдуллаева унга жавобан «Уйингизни онаминг эмас, менинг номимга ўтказиб берасиз» дейди. Аҳрор бунга ҳам рози бўлади. Аммо қиз фикрдан қайтмайди. Ҳатто бу йўлда ундан ҳам воз кечишини айтади. Шундан сўнг йигитда қизга нисбатан нафрат уйғонади ва уни ўлдирини режалаштиради. А.Ибодуллаев 2019 йил 14 июнь кун соат 21:30 ларда чўнтагига синтетик ип солиб Ў.Абдуллаева яшаб турган хонадонга келади. У билан охириги марта гаплашиб, фикрдан қайтаришга ҳаракат қилади. Лекин Ўлмасойни қўндиролмайди. Шундан сўнг тунги соат иккиларда ухлаб ётган Ў.Абдуллаевани ип билан бўғиб ўлдиради.

Кетар қонда эса марҳумга тегишли тилла зирак, занжир, телефон аппарати, 48000 сўм пулини, паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, мактабни тамомлагани ҳақидаги шаҳодатномасини олиб чиқиб кетади. Далага чиқиб Ў.Абдуллаеванинг хужжатларини ёқиб юборади. Сўнг бозорга боради ва унга тегишли тилла буюмларни 2 млн. 400 минг сўмга сотиб, маишат қилиб юрганида ички ишлар идораси ходимлари томонидан қўлга олинади.

Суд Аҳрор Ибодуллаевни ўн саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Рустам ИБРАГИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма
АМИБ терговчиси

«New Silk Road Oil and Gas» ўзбек-хитой қўшма корхонаси табиий газни қазиб олиш ишларини олиб бормоқда, деб хабар берди «Ўзбекнефтгаз» АЖ матбуот хизмати.

2-APRIL 2020-Y.

HUGUO № 13

(1210)

9



FAOLIYATIDAN

БОЗОР ТАДБИРКОРГА ҚАЙТАРИЛДИ

Мажбурий ижро бюроси ходимлари ўз фаолияти давомида турли хил ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди. Жумладан, Қарши туманларо иқтисодий судининг 2020 йил 24 февралдаги ижро варақасида «Oqtera fayz savdo» МЧЖ ва бошқалардан «Orzu» савдо мажмуасининг 14 млрд. 39 млн. сўмлик мулк ва биноларини «Orzu qivonchi» МЧЖга мажбурий тартибда қайтариш белгиланган.

– Қискача тўхталиб ўтсак, «Orzu» бозори «Orzu qivonchi» МЧЖ томонидан 2009 йилда қурилган, – дейди жамият директори Раҳматулла Менгликулов. – Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 28 декабрдаги ажримига асосан бозор давлат эгалигига берилган.

Олий судга қилинган мурожаатлардан сўнг ЖИБ судлов ҳайъатининг ажримига асосан аввалги ажрим бекор қилинган.

Шундан сўнг иш ЖИБ Самарқанд вилояти судида кўриб чиқилиб, апелляция инстанциясининг ажримига асосан давлат эгалигига ўтказиш қисми бекор қилинган.

Ижро ҳужжати Бюронинг Қарши шаҳар бўлимига жорий йилнинг 4 март куни келиб тушган ва шу куннинг ўзида ижро ишини қўзғатиш қарори қабул қилиниб, ижро ҳаракатларини амалга оширишга киришилди.

Жорий йилнинг 10 март куни олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида суд қароридида белгиланган мол-мулк ҳамда бино иншоотлари тадбиркор фойдасига тўлиқ ҳолатда олиб берилди.

Улуғбек ЭЛМУРОДОВ,
МИБ Қарши шаҳар бўлими бошлиғи

АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТ ДЕМАҚДИР

Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан алимент ундириш билан боғлиқ ҳужжатлар ижросини таъминлашга эътибор қаратган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғинларининг яраштириш комиссиялари ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманларо судининг 2013 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан У.Ҳамроқуловдан Ш.Нуруллаевага воёга етмаган икки фарзанднинг таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг 1/3 қисми миқдоридида алимент ундириш белгиланган. Ушбу ҳужжат бўйича бюронинг Тойлоқ тумани бўлими томонидан ижро иши юритилган.

Қарздорнинг мулкый ҳолатини аниқлаш мақсадида ваколатли органларга сўров юборилган бўлиб, олинган жавоб

хатларига кўра унга тегишли мулк йўқлиги аниқланган.

Ижро ҳаракатлари жараёнида У.Ҳамроқулов Самарқанд вилояти ҳокимлигида ишлаётгани аниқлангани сабабли 2013 йил 11 ноябрда ижро ҳужжати бўйича ундирувнинг ойлик иш ҳақига қаратилиб, алимент пули 2019 йилнинг февраль ойига қадар тўлиқ ундириб келинган.

Кейинчалик қарздор Пайриқ тумани ҳокимининг ўринбосари лавозимига тайинлангани муносабати билан давлат ижросини 2019 йил 18 октябрда алимент ундирувнинг

иш ҳақига қаратиш тўғрисида талабнома юборган.

У.Ҳамроқуловнинг алимент бўйича қарзи қайта ҳисобланганда ноябрь ойида 10 949 739 сўм бўлгани аниқланиб, 4 декабрда Ш.Нуруллаевага тўлиқ ундириб берилди.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича Денов туманларо судининг 2011 йил 24 ноябрдаги буйруғига асосан Олтинсой туманида яшовчи Ш.Ҳайдаров собиқ турмуш ўртоғига воёга етмаган уч фарзандининг моддий таъминоти учун иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/2 қисми

миқдоридида алимент тўлаши белгиланган эди.

Ш.Ҳайдаров МИБнинг Олтинсой тумани бўлимига четга чиқиш ҳуқуқини тиклаб беришни сўраб мурожаат қилган. Давлат ижросини унинг четга чиқиш ҳуқуқи қандай тартибда тикланишини тушунтирганда, Ш.Ҳайдаров фарзандларининг 18 ёшга қадар бўлган алимент пулини олдиндан тўлашни афзал билиб, собиқ турмуш ўртоғи билан келишган ҳолда унга 78 млн. сўм алимент пулини олдиндан тўлаб берди.

Ҳужжатлар қонуний расмийлаштирилгандан сўнг бюронинг туман бўлими томонидан унга қўйилган чеклов бекор қилинди.

Сарвар ИБРОҲИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим катта инспектори

МУШТ ЧЎНТАККА ЗАРАР

Фойдаланилган энергия ресурслари ҳақини ўз вақтида тўлаш истеъмолчиларнинг бурчидир. Афсуски, айрим фуқаролар пулни ўз вақтида тўламаяпти. Боз устига, хонадонга борган бюро ходимларига қаршилик қилишмоқда.

2020 йилнинг 27 январь куни бюронинг Косонсой тумани бўлими техник кузатув шўъбаси бош муҳандиси Бўстон маҳалласида яшовчи Муҳиддин Бахриддиновнинг хонадонига борди. Яъни, хонадоннинг электр энергиясидан қарзи бўлиб, давлат инспектори талабнома берган. Аммо истеъмолчи беш кунлик муддатда қарзини тўламайди. Амалдаги тартибга кўра хонадон тармоқдан вақтинча ажратилади. Шундан сўнг муштумзўр истеъмолчи бюро ходимининг юзига уриб, жароҳат етказди.

Ушбу ҳаракати орқали М.Бахриддинов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этгани суриштирув ҳамда суд жараёнида ўз исботини топди.

2020 йилнинг 13 март куни Косонсой тумани маъмурий судининг очик суд мажлисида ҳуқуқбузарга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдоридида жарима жазоси тайинланди.

Ойбек ҚУРАНБАЕВ,
МИБ Наманган вилояти бошқармаси инспектори

ҚЎШМА КОРХОНАДАГИ ҚИНҒИРЛИК

Мажбурий ижро бюроси Андижон вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари рейдлар ўтказмоқда.

Булоқбоши туманида ўтказилган назорат тадбирларининг бирида Нефтчилар маҳалласида жойлашган қўшма корхона умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ўзбошимчилик билан улашиб олгани аниқланган. Ноқонуний улашиш натижасида таъминотчи корхонага 38 млн. 728 минг 800 сўм зарар етказилган.

Мақзур ҳолат юзасидан олиб борилган текширишда корхона раҳбарининг ҳаракатида жиноят аломати борлиги аниқланди. Бироқ корхона раҳбари бир ой ичида етказилган зарарни тўлиқ тўлади. Шу сабабли у жавобгарликдан озод этилди.

Умиджон МИРЗААБДУЛЛАЕВ,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори



«ШОХИДА ЮРГАН» ҲУҚУҚБУЗАР ҚОНУНГА БЎЙСУНДИ

Даврнинг шиддат билан ўзгариши барча соҳаларда янгиланиш ва янгиланган имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Ёқилги-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан Бухоро вилоятининг барча ҳудудларида замонавий ҳисобга олиш ускуналари ўрнатиш ва электр энергиясининг автоматлаштирилган тизимига улаш борасидаги ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Коммунал соҳада инновацион технологияларни қўллаш инсон омилини кескин камайитириш имконини берапти. Электрон электр ҳисоблагичлар истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисоблаш ва тармоққа ноқонуний улашишларнинг олдини олишда қўл келмоқда. Аммо айрим фуқаролар қонун талабларига панжа орасидан қараб, ўз манфаатини умум манфаатидан устун қўйган ҳолатлар ҳам аниқланаёпти. Масалан, Шофиркон туманида яшовчи Д.Зарипов хонадонидида электрон ҳисоблагич ўрнатилган бўлишига қарама-дан электр жиҳозларини умумий фойдаланишдаги электр тармоғига яширинча улаб олган.

МИБ ходимлари ушбу ноқонуний ҳолатни фожатли, ҳуқуқбузардан давлатга етказилган 4 млн. 805 минг 550 сўмлик зарар ҳамда маъмурий жарима суммасини ундирди.

Давлатни лақиллатаялман деб ўйлаган Д.Зарипов қонунга бўйсунмай иложи йўқлигини англаган бўлса ажаб эмас.

Феруз САИДЖОНОВ,
МИБ Шофиркон тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари



Прокуратура идораларида 31 йил мобайнида самарали фаолият юритган инсон Хусан Давронов табаррук 60 ёшни қарши олди.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Жиззах ва Сирдарё вилоят прокуратураси органларида турли лавозимларда садоқат билан хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиб, ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

Хусан Давроновнинг хизмат фаолияти давомида олижаноб халқимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси, адолат ва қонунийлик посбони сифатида ёш мутахассисларга, ҳамкасбларига берган ҳаётий ва амалий тажрибаларини прокуратура органлари тизимида хизмат қилаётган барча шогирдлари бирдек эътироф этади.

Хурматли Хусан Сорабекович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, онлавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Сирдарё вилояти прокуратураси жамоаси

JINOYAT VA JAZO

– Бугун 1 апрель, Ғолиб келса бир ҳазиллашамиз, – деди Гулноза (исм-фамилиялар ўзгартirilган) кувноклик билан гўзаллик салониди бирга ишловчи қариндоши Руқияга.

Шу пайт Руқия «расмга тушиб олай» дея Гулнозанинг телефонини олди. Селфи олаётган чоғида телефон тингиллаб қолди. Қараса, кимдир Гулнозага «борайми?» деб хабар ёзибди.

– Ким бу, Гулноза опа? – сўради Руқия.

– Ўша Ғолиб-да, – деди Гулноза.

– Ҳеч қандай ҳазил керакмас, Ғолиб келса сизни йўқ деб айтаман, – деди Руқия...

Ғолиб билан Гулноза бундан икки йил олдин танишишганди. Ўшанда салондан 300 доллар пул йўқолган, ички ишлар бўлимида ишлайдиган Ғолиб шу бахона Гулноза билан танишган, кейинчалик муносабатлари анча қалинлашиб қолганди. Жувоннинг ёнига серкатнов бўлиб қолган Ғолиб унга уйланиш нияти борлигини ҳам маълум қилганди. «Бир марта оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади» деганларидай, аввал бир эрга тегиб ажрашган Гулноза бу тақлифга қандай жавоб беришини билмасди. Бу ёқда қизалоғи ҳам бор...

Бироз вақт ўтиб салонга келган Ғолиб Руқиядан Гулнозани сўради. Гулноза ичкарида бекиниб ўтирган эди. Руқия унинг ишга келмаганини айтди. Аммо Ғолиб Гулнозага кўнғирок қилиб, унинг шу ердалигини билиб қолди. Уларнинг суҳбатига ҳалал бермаслик учуни, Руқия бир дугонаси билан бозорга айланиб келишга отланди.

Бозордан ярим соатларда қайтишди ҳамки, Ғолиб кетмай салонда ўтирган экан. Бу «хира меҳмон»нинг қилигидан норози бўлиб, яна чиқиб кетмоқчи бўлганида салонга шу бинонинг эгаси (Гулнозанинг онаси бинони ундан озгаки битим билан ойига 300 минг сўмга ижарага олганди) Шодикул тоға қизлари Қумри ва Мунира, кувёлари Мансур ва Жавлон, жияни Саттор билан кириб келди.

Руқия, Гулноза ва Ғолиб салонга дабдурстан бостириб кирган одамларга қараб анграйиб қолишди. Қумри эса Гулнозага қараб бақира кетди:

– Бу нима қилганинг, бузук? Шу ерда «свидания» қиласанми, ярамас? Йўқол, юзим юзингга тушмасин...

Сўнг Руқияга ҳам шанғиллаёт кетди:

– Сен ҳам шунинг шеригисан, ундан ўтиб қаерга ҳам борар эдинг...

Шодикул тоға жияни Сатторга ҳамон хангу манг бўлиб турган Ғолиб ва Гулнозани телефонда видеога олишни буюрди. Анча бақир-қақарилардан сўнг Шодикул тоға уларга антиқа талаб қўйди:

– Гап бундай, сен, Гулноза, манави мени

зўрламоқчи бўлди деб тилхат ёзиб берасан. Сен бола, зўрламоқчи бўлдим деб ёзасан. Сен киз эса мен гувоҳман деб ёзасан...

Гулноза эътирозга шайланган эди, Шодикул тоға унинг гапини шарт кесди:

– Ёзмай қаерга ҳам борасан, ичкарида Ғолиб билан қилган ишингни видеога олганман, шунини тарқатиб, сени шарманда қиламан...

– Нимага бундай дейсиз, тоға, булар ундай ёмон иш қилишгани йўқ, – деди довлараб қолган Руқия.

– Ёзиб берасан, бўлмаса сени ҳам шарманда қиламан... – бақирди Шодикул тоға. – Ҳали буни онасига ҳам айтаман, йиғиштириб олсин қизини...

– Илтимос, онамга ундай деманг, мазаси бўлмай ётибди... – хўнграб юборди Гулноза.

Анча тортишувдан сўнг тахдидлардан қўрқиб кетган Гулноза, Ғолиб ва Руқия Шодикул тоға айтган тилхатни ёзиб беришга

аҳлини зир титратди...

Жиноят ишлари бўйича Касби тумани судида ўтказилган очик суд мажлисида судланувчилар Шодикул Назаров ва Саттор Тойировнинг жиноят иши кўрилди.

Аниқланишича, Шодикул Назаров 1960 йилда туғилган, маълумоти ўрта, кирсиз. Оилали, бешта фарзанди бор. Миришқор туманида яшайди. Саттор Тойиров 2000 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-маҳсус, ишсиз, бўйдоқ, Миришқор туманида яшайди.

Судланувчи Шодикул Назаров айбига қисман иқдор бўлиб, ҳамма гуноҳни Ғолибга тўнкашга ҳаракат қилди. Жияни Саттор эса поччаси салонга бегона одам кирганини айтганида у билан бирга бинонинг орқа тарафидаги туйнукдан пойлашгани, шунда бир йигитнинг салончи қизни кучоқлашга уринаётганини кўрганини, ўз ихтиёри билан уларни тасвирга олгани, уни тарқатиш ниятида бўлмагани, қилмишидан қаттиқ

ПАРДОЗЧИГА ҚИЛИНГАН ШАНТАЖ

мажбур бўлишди. Аммо тоғанинг шартлари бу билан ҳам тугамади:

– Бундан буён менга 100 доллардан ижара ҳақи берасан, бўлмаса ўзингдан кўр...

Йигитнинг ички ишлар ходими эканлигидан хабар топгач эса қўлига лаққа балиқ тушгандек керилиб, уни ҳам товлашга тушди:

– Озод деган бир йигит мендан ўн миллион сўм қарз, бермай юрибди, мелиса бўлсанг, шунини ундириб берасан, бўлмаса...

Шодикул тоғанинг кўнғирогидан кейин бироздан сўнг хонага маҳалла профилактика инспектори кириб келди. Вазиятни суриштиргач, Гулнозага «Сен унақа қиз эмасдинг-ку?!» дея ҳайрат билан тикилди.

Шодикул тоға ўзи саҳналаштирган ва «суҳбатлаштирган» воқеани тушунтира бошлади. Юзларини чангаллаб олган Гулноза юм-юм йиғлашдан ўзга чора тополмас, Ғолиб ҳам ўртада бошини ҳам қилиб турарди...

Кечки пайт бўлиб ўтган воқеалардан ҳамон ўзига кела олмаётган Руқия Гулнозага кўнғирок қилиб, ахвол сўради:

– Холамга айтдингизми, опа?

– Йўқ, – деди Гулноза тушкун овозда. – Қандок айтаман?..

Орадан икки кун ўтиб, пардозчи Гулноза ўзини ишхонасидаги панжарага осиб қўйгани ҳақидаги муҳажир хабар кишлоқ

пушаймонлигини маълум қилди.

Суд ҳукмига кўра Шодикул Назаров беш йилга озодликдан маҳрум қилинди, Саттор Тойировга эса икки йил озодликни келаш жазоси тайинланди.

Жиноят оқибатида марҳумнинг қонуний вакилларига, жабранувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар масаласи очик қолдирилиб, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилди.

Азалдан халқимиз ор-номусни улуғлаб келди. Инсон шаъни, кадр-қиммати – муқаддас тушунча. Бу қонунларимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Афсуски, судланувчилар ана шу оддийгина ҳақиқатни унутиб қўйди. Бировни ёмонотлик қилиш билан қўрқитиб, пул ундиришни кўзлади. Оқибатда бир бечора жувоннинг ўлимига сабабчи бўлди. Саттор-ку, ҳали ёш экан, аммо олгмиш ёшни қоралаган, ўзича ҳажта боришни дилига тутиб юрган Шодикул Назаровнинг жирканч қилмишини қандай изоҳлаш мумкин?! Нима бўлганда ҳам у ва жияни эл олдиде юзи шувут бўлиб, қилмишларининг жабрини тортадиган бўлишди.

Дилфуза ҚЎҶОРОВА,
Қашқадарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

«ҲУҚУҚ
СОҶДА»

**ДЎҚОНДА САВДО
ҚИЛАЁТГАН
ХОТИНИГА
УШУМОАД ҚИЛГАН
МИЖОЗНИНГ
ҲАРАКАТИДАН
ҒАЗАБЛАНГАН
ЭР ЎЧ ОЛИШНИ
МАҚСАД ҚИЛДИ.**

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAYATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUDDINOV
Utkirjon DEKKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriq qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [] – tijorat materiali.

Buyurtma v-4124.

20 000 nusxada bosildi.

Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teritdi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonada manzili: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yatga olingan.

ISSN 2010-7617



Туркиядан Ўзбекистонга импорт қилинган 23 минг туп олма кўчати зарарли организм сабабли йўқ қилинди.

2-APRIL 2020-Y.

HUQUQ № 13

(1210)

11



АҚШда ишсизлик нафақасини олиш учун рекорд даражада ариза берилди

АҚШда ишсизлик нафақасини олиш учун берилган аризалар сони бир ҳафтада 11 баравар ошиб, 3 млн. 200 мингдан ошган. Бу ҳақда мамлакат Меҳнат вазирлиги маълум қилган.

«Meduza»нинг ёзишича, 14 мартда 282 мингта ариза берилган бўлса, 21 мартга келиб аризалар сони 3 млн. 282 мингтага етган. Бу АҚШ учун тарихий рекорддир. Аввалги рекорд 1982 йилда бўлган ва унда аризалар сони 695 та бўлган.

Ишсизлик нафақасини олиш учун аризалар сонининг рекорд даражада кўпайгани коронавируснинг бизнесга таъсири ва у билан боғлиқ карантин билан изоҳланган.

Февраль ойида АҚШда ишсизлик даражаси сўнгги 50 йилдаги энг паст даражада бўлган – 3,5 фоиз. Айрим



хисоб-китобларга кўра, май ойида бу кўрсаткич 13 фоизга етиши мумкин – бу 1930 йилдан буён кузатиладиган энг юқори даражадир.

АҚШ 26 март куни коронавирус билан касалланганлар сони бўйича Хитойдан ўзиб кетди. Сўнгги маълумотларга қараганда, АҚШда коронавирус билан касалланганлар сони 164 минг кишидан, вафот этганлар сони эса 3,1 минг кишидан ошган.

Россияда коронавирус таҳлили учун ўта аниқ тест тизими яратилди

«Роспотребнадзор» сайтида эълон қилинишича, Россия эпидемиология илмий тадқиқот маркази олимлари инсон танасида коронавирус мавжудлигини текширишда ёлгон натижа бермайдиган, ўта аниқ таҳлил қиладиган тест яратди.

«Диагностик тўпланишнинг клиник синови муваффақиятли якунланди ва 25 март куни Россия худида фойдаланиш учун рўйхатдан ўтказилди», – дейилади ушбу хабарда.

Янги тест барча замонавий талабларга жавоб беради ва бир текширишда нафақат «SARS-CoV-2»ни аниқлайди, балки уни шунга ўхшаш бошқа, жумладан, MERS-Cov (яқиншарқ респираторли синдром) вирусидан ҳам фарқлай олади.

Бундан аввал Новосибирскда коронавирусни диагностика қиладиган ўта сезgir янги тест тизими рўйхатга олинган эди. Бунгача «Роспотребнадзор» раҳбари Анна Попова жума куни коронавирусни аниқлайдиган янги тест тизими рўйхатга олиниши ҳақида маълум қилди. Унинг таъкидлашича, ушбу тизим таҳлил натижасини 2,5 соатда кўрсатади.

Коронавирус туфайли «Барселона» клуби банкрот бўлиши мумкин

Коронавирус туфайли банкрот бўладиган биринчи клуб «Барселона» эканлиги айтилмоқда. Бу ҳақда «Магса» нашрига асосланиб Uff.uz хабар тарқатди.

Дунёда давом этаётган коронавирус пандемияси «Барселона» клубига қанча зиён етказиши ҳисоблаб чиқилди. Унга кўра яқин вақт ичида каталонияликлар 100 млн. евро зарар кўриши мумкин. Агар ЕЧЛ ўйинлари тез орада қайта тикланмаса яна 22-25 млн. евро зиён кўрилади.

«Сантьяго Бернабеу» стадионидан омбор сифатида фойдаланилади

«Реал» клуби Олий спорт кенгаши (CSD) билан ҳамкорликда коронавирус пандемиясига қарши фойдаланиладиган тиббий ашёларни етказиб бериш ва тарқатиш бўйича лойиҳани йўлга қўйди.

Клубнинг «Сантьяго Бернабеу» стадионидан спорт компаниялари ва ташкилотлари эҳсон қиладиган дорин-дармон ва буюмлар сақланадиган омбор сифатида фойдаланилади. Бу ҳақда клуб расмий сайти хабар берди.

Таъкидланишича, хайриялар Испаниядаги давлат соғлиқни сақлаш ташкилотларига берилди.

Сўнгги маълумотларга кўра, Испанияда коронавирус юктирганлар сони 56 минг кишидан ошган.



Францияда карантин пайти оилавий зўравонликлар сони кескин ошди

Францияда коронавирус билан курашиш учун карантин жорий этилгандан сўнг оилавий зўравонликлар анча ошди. Бу ҳақида «РИА Новости» мамлакат ички ишлар вазирини Кристоф Кастанер берган маълумотга таяниб хабар тарқатди.

Вазирнинг айтишича, бир ҳафта ичида мамлакатда жангармлар аралашувини талаб этувчи оилавий можаролар сони 32 фоиз ошган. Парижда эса вазият бундан ҳам жиддий. Пойтахтда оилавий зўравонликлар 36 фоиз кўпайган.

Эслатиб ўтамиз, Францияда коронавирус эпидемияси кучайиб, учинчи даражага ўтди. Мамлакат 17 мартдан бошлаб камида икки ҳафта давомида одамлар ҳаракатига қатъий чеклов қўйди. Кафелар, рестороанлар, кинотеатрлар ва ноозик-овқат дўконлари ёпилди. Фақат дорихоналар, озик-овқат дўконлари, банклар, ёнилги қуйиш шохобчалари ва тамаки дўконлари очик қолмоқда.

Сўнгги маълумотга кўра, мамлакатда коронавирусга чалинганлар сони 29155 кишидан ошган, ундан 1696 киши вафот этган.

ЖБ ва ХВЖ G20 аъзоларидан қарзини сўрамай туришни сўради

Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси иқтисодий кучсиз давлатларга коронавирус пандемиясига қарши курашда ёрдам бериш учун «Катта йгирматалик» (G20) давлатларидан кредит шартномалари бўйича қарзини сўрамай туришга қақирди.

Бу ерда гап Жаҳон банки таркибига кирувчи кредит ташкилоти – Халқаро ривожланиш ассоциациясига аъзо давлатларнинг «G20»га аъзо мамлакатлардан олган қарзлари бўйича тўловларни тўхтатиб туриш ҳақида бораётди.

Жаҳон банки гуруҳи ва Халқаро валюта жамғармасининг қўшма баёнотида коронавируснинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиши, айниқса Халқаро ривожланиш ассоциациясига аъзо давлатлар учун иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жиддий салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги қайд этилди. Таъкидлаш жоиз, ушбу давлатларда дунё аҳолисининг чорак қисми, камбағалларнинг эса учдан бир қисми яшайди.

Юқориди номлари келтирилган халқаро молиявий ташкилотлар кучли давлатларни ташқи қарзи туфайли мураккаб вазиятга тушиб қолган мамлакатлар рўйхатини тузиш ва қарз юкломаларини юмшатиш бўйича тақлифлар беришга қақирди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Қолдирилган Токио Олимпиадаси келаси йилнинг 23 июль – 8 август кунларига белгиланди.